

БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ БЕРИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Абдуллаева Ойбарчин Бекмуродовна Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати А.Хуррамов, туман ҳокими ўринбосари - Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи М.Хидирова, туман Кенгаши депутатлари туман Кенгаши котибияти билан хамкорликда 2023 йил 29 март куни “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасининг мазмуни ва моҳиятини тушунтириш ҳамда референдум ўтказилиши бўйича 39-сонли умумтаълим мактабида семинар ўтказилди. Семинарда Ўзбекистоннинг янгиланаётган Конституцияси ва унга киритилаётган ўзгартишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.